

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) 2013-ЙИЛ 19-СЕНТАБР, ПАЙШАНБА, 113 (8194)-сон 1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган Bahosi kelishilgan narxda.

Наманган Вилояти

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАБИЙЛАР КУНИ



## ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБИ

**Д**авлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда таълим сифати ва самардорлигини изчил оширишда муҳим омил бўлмоқда. Буни Наманган вилояти Поп туманидаги 11-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати фаолияти мисолида ҳам

кўриш мумкин.

Бу ерда 400 нафар иқтидорли ўқувчи инглиз тилидан ташқари математика, кимё ва биология фанларини чуқур ўрганмоқда. Мактаб-интернатнинг фан, лаборатория ва компьютер хоналари, спорт зали, ётоқхона, ошхона, кутубхона, ташхис маркази ва тиббиёт хоналари замонавий усулда жиҳозланган. Ўқув машғулотларини юқори малакали педагоглар кўргазмали қуроллардан, техника во-

ситаларидан фойдаланган ҳолда олиб боради. Айниқса, чет тилини ўқитишда илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларда чет тилида эркин мулоқот кўникмасини кучайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**СУРАТДА:** ўқитувчи Гулнора Ортиқова ўқувчилар Зийда Назирова ва Асқаржон Абдуғафоров билан.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ БЎЛИБ МАЙДОНГА ЧИҚМОҚДА

**Ҳар бир халқ ўз бағрида улғаяётган ёш авлод тимсолида асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи кучни кўриши табиий. Ушбу куч буюк мақсадлар сари тўғри ва муттасил йўналтирилсагина кўзланган натижаларга эришилади. Бунинг учун, аввало, ёшлар қалбига қулоқ солиш, уларни эзгуликка ундаш даркор.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жисмонан соғлом, маънавий етук, эркин фикрловчи ва келажакка ишонч билан қаровчи баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зеро, ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда ёшлари соғлом, баркамол ва ватанпарвар бўлиб вояга етаётган давлатларгина қудратлидир.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали ма-

росимдаги табрик сўзида ёшларга қарата шундай деди: “биз ўз олдимизга қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман”.

(Давоми 2-саҳифада)



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

# АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга етарлича шарт-шароит яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шундай ислохотлар натижасида фермерларимиз, бугун нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, балки қишлоқларимизни обод этиш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг янги манбаларини яратишда етакчи кучга айланди. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг такомиллаштирилгани эса ҳосилдорликнинг йил сайин ошиб боришида муҳим омил бўлаётир. Бу жараёнда фермер ва деҳқон кўмакдоши – “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятларининг алоҳида хизматлари бор.**

Миллий матбуот марказида “Ўзкимё-саноат” давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган анжуманда агрохимёвий хизматлар кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидландики, компания тизимидаги 7 та кимё корхонаси томонидан асосан 3 турдаги – азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Бир неча корхонада эса дефолиантлар, ҳар хил турдаги кимёвий маҳсулотлар ҳамда пластмасса буюмлари тайёрланмоқда.

“Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятларининг 139 та туман ва туманлараро филиаллари таркибида ташкил этилган минерал ўғитлар тарқатиш шохобчалари орқали фермер хўжалиқларига азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар етказиб берилмоқда. Жамиятлар ихтиёридаги 6200 га яқин техника воситалари орқали фермер хўжалиқларига агрохимёвий хизматлар кўрсатилмоқда. Фермер хўжалиқларига агрохимёвий хизматларни кўрсатиш ҳажмини ва сифатини ошириш ҳамда “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятларининг транспорт паркинни янгилаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий ҳамда юқори унумли техника воситалари сотиб олинмоқда. Хусусан, 2011 йилда 314 та, 2012 йилда 734 та ҳар хил транспорт ва қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 445 дона, жумладан, 6 дона “Sachman” русумли юқори унумли юк автомобиллари, 96 та трактор, 7 та тиркама, 106 та ОВХ пуркагич, 201 та ўғит сепгич ҳамда 2 та юқори унумли юкгаич ва бошқа техника воситалари сотиб олинди.

– Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мус-

таҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи куч бўлган фермерлик ҳаракатига ҳар томонлама кўмак бериш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси эришилаётган ютуқларда намоён бўлаётир, – дейди “Ўзкимё-саноат” акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари Хўжамберган Бекберганов. – Ана шу жараёнда инфратузилмаларнинг такомиллаштирилгани, хусусан, ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлган минерал ўғитларнинг вақтида далага етказиб берилаётгани, шунингдек, бошқа агротехник тадбирларни бажаришда зарур кимёвий воситалар ва хизматларнинг бекаму-кўст амалга оширилаётгани ривожланиш омилидирдан бири бўлмоқда. 2013 йилда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва жойлардаги 37200 дан ортиқ фермер хўжалиқлари ўртасида тузилган шартномалар асосида жами 28,8 миллиард сўмликдан зиёд агрохимёвий хизматлар кўрсатиш режалаштирилган. Ўтган даврда жами 22,5 миллиард сўмликдан ортиқ агрохимёвий хизматлар кўрсатилди. Тизимда ҳамкорликни янада кучайтириш, деҳқон ва фермерларга камарбаста бўлиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида изчил ишлар давом этаётир.

Кейинги йилларда мутахассислар тавсияларидан келиб чиққан ҳолда экинларни баргидан озиклантириш афзаллиги намоён бўлмоқда. Бу усулнинг кенгайиши, табиийки, “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари олдига фермерларга бу борада кенг кўламли кўмак бериш вазифасини қўяётир. Жорий йилда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда суспензия тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида жойларда отрядлар ва “ишчи эритма” тайёрлаш

майдончалари ташкил этилиб, уларга ОВХ агрегатлари, моторли ва қўл аппаратлари ҳамда бошқа техника воситалари бириктирилгани боис мамлакатимиз ғаллакорлари ва пахтакорлари ўз вақтида суспензия билан ишлов бериш тадбирини ўтказдилар.

Шунингдек, етиштирилган ҳосилни мақбул муддатларда йиғиштириб олишнинг асосий омилларидан бири бўлган ғўза дефолиациясини ўтказишда ҳам жамиятлар аъзолари деҳқонларга камарбаста бўлиб келмоқда. Жорий мавсумда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тавсияларига асосан жойларда дефолиантлар захираси яратилиб, улар эксперт комиссиялари тавсияларига асосан “ишчи эритма” тайёрлаш майдончаларига ўз вақтида етказиб берилди. Дефолиация тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда белгиланган муддатларда якунига етказилди. Бу жараёнда ОВХ пуркагичлари, самолётлар ва қўл аппаратларидан самарали фойдаланилди.

Компания тизимидаги ташкилотлар, хусусан, “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари ҳам инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада деҳқонлар тажрибасини оширадиган, улар ишини энгиллаштирадиган қатор ишлар қилинаётир. Жумладан, жойларда “Агрохимё-комплекс” масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этилмоқда.

Андижон вилоятидаги Ахтари “Қишлоқхўжаликкимё” туманлараро филиали негизда ташкил этилган “Агрохимёкомплекс” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан биридир. Бу ерда ўтган даврда омборлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди, ўқув биноси қурилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди, иссиқхона ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши йўлга қўйилди. Фермер хўжалиқларига қўлайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатувчи барча инфратузилмалар – минерал ўғит сотиш дўкони, пайнет шохобчаси, озик-овқат дўкони, сартарошхона ва овқатланиш маскани ишга туширилди.

Изланиш, интилиш бор жойда тараққиёт бўлади. “Ўзкимёсаноат” компанияси тизимидаги “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари ҳам мана шу йўлдан бормоқда. Демакки, мақсад аниқ, одимлар дадил. Деҳқонга камарбасталик эса тараққиётга қанот бўлиши, шубҳасиз.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Хоразм  
Вилояти

“Ўзбеккўмир” очик акциядорлик жамиятига қарашли “Хоразм кўмир етказувчи” ҳудудий дистрибуторлик маркази унитар корхонасининг “Хоразм кўмир брикет” заводида янги ёқилғи тури – брикетланган кўмир ишлаб чиқарилмоқда.

## БРИКЕТЛАНГАН КЎМИР ИККИ БАРАВАР КЎПАЯДИ

Янги технологиялар асосида жиҳозланган бу корхонада 50 нафар киши меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришдаги бугунги иссиқлик энергияси муаммоларини ҳал қилишда ҳам, турар-жой билан иситишда ҳам бирдек қўлай бўлган брикетланган кўмирни етказиб беришнинг ихчам усулидан фойдаланилмоқда. Маҳсулотлар ёғоч тагликларга 300 донадан қилиб тахланмоқда. Шунингдек, полиэтилен плёнкалар билан ҳам ўралмоқда.

– Шуниси муҳимки, брикетланган кўмир ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга зарар етмайди. У ҳатто ишлатилгандан сўнг ҳам ўз шаклини ўзгартирмайди, кул қолдирмайди. Таркибида зарарли ноорганик арашмалар бўлмагани учун фойдаланишда хавфли томонлари йўқ, – дейди соҳа мутахассиси Сарварбек Бобожонов. – Келгусида заводда фан-техника ютуқларини кенг жорий қилиш ва янги ускуналар сотиб олиш ҳисобига брикетланган кўмир ишлаб чиқариш линияси қувватини икки бараварга ошириш режалаштирилган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

## ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ БЎЛИБ МАЙДОНГА ЧИҚМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Соғлом ва баркамол авлод – ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ёшларимиз энг катта таянч ва суюнчимиз экани яна бир мартаба эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О.Юсупов, Республика Маънавий тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қурононов, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг онгу шурини миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли ғоялардан ҳимоялаш, қалби ва онгига фидойилик, ватанпарварлик, юрт тақдир учун дахлдорлик туйғуларини сингдиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, замонавий касб-хунар-



Сарвар ҚУРБОНОВ (ўса) олган сурат.

ларни пухта ўзлаштирган, дунёнинг тараққий топган давлатларидаги тенгдошларидан ўзишга тайёр шижоатли кучдир. Ёшларимизнинг турли халқаро мусобақалари ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб келаётгани бунга яққол далил бўла олади. Истиқлол йилларида мамлакатимиздан 253 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиб, 21 та олтин, 51 та кумуш, 90 та бронза медали, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлгани қувонарлидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар бутун дунё микёсида инсон онги ва қалбини

эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш масаласи ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда қарор топган ва тобора мустаҳкамланаётган тинчлик-осойишталикка, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизга таҳдид солиши мум-

кин бўлган ғаразли кучларнинг асл мақсади ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, содда ва ғўр ёшларимизни тўғри йўлдан оздириб, разолат сари етаклашдан иборат экани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ота-боболаримиздан мерос, кўп асрлик эзгу қадриятларимизга содиқ, юксак дунёвий билимлар ва маънавий фазилатларга эга навқирон авлод вакиллари бундай қутқуларга асло учмаслиги хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалар тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Қайд этилганидек, дунёнинг баъзи минтақаларида маънавий-ахлоқий қадриятлар тобора таназзулга юз тугаётган, “оммавий маданият” хатари кенг тарқалиб бораётган айни пайтда ёшларимиз ўз истеъдоди ва маҳорати билан муқаддас Ватанимиз довуғини бутун дунёга ёйишда янада фаоллашмоқда. Улар юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, шу тариқа мамлакатимизни дунёда тараққий топган давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу ва улув мақсадлар атрофида бирлашмоқда. Бу эса уларнинг том маънода ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганини кўрсатади.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.



## МУЪЖАЗ ТЕЛЕФОН «МУЪЖИЗА»ЛАРИ

Энди сабоқ пайтида таълим олувчиларнинг ўй-хаёлларини чалғитмайди

**Яқинда қишлоққа кетаётиб, туман марказидаги Маиший хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ёнидан ўтаётганимда мобил телефоннида гаплашаётган бир ўқувчи беихтиёр эътиборимни тортди. У телефонда баланд овозда гапирар, беҳаё сўзлар билан суҳбатдошини камситар, хуллас, одоб-ахлоқ меъёрларига номуносиб ҳолда мулоқот қилар эди. Унинг бундай оҳангда берилиб гаплашаётганини кўриб, хаёлимга шундай ўй келди: у дарс вақтида ҳам шунга одатланмаганмикин? Мазкур савол мени чуқурроқ мулоҳазага ундади.**

Дастлаб телефон ихтиро қилинганида кўпчилик унинг истиқболига шубҳа билан қараган, одамлар бир-бирини кўрмасдан мулоқот қилишига ишониш қийин бўлган экан. Аммо инсониятнинг узоғини яқин, оғирини англи қилишда телефон беқиёс аҳамият касб этди. Йилдан-йилга такомиллашиб бораётган бу алоқа воситаси бугунги кунда одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Телефоннинг жуда тез оммалашшида мобил телефон тармоғининг кашф этилиши алоҳида аҳамият касб этгани ҳам шубҳасиз.

Бугунги даврни мобил телефонларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ айна кунга келиб одамларнинг, айниқса, ёшларнинг мобил телефонга ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани бутун дунёда долзарб муаммага айланмоқда. Таассуфки, бу қурилма бераётган «имкониятлар» айрим

ҳолларда ундан фойдаланаётган болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғлиги, онги ва тафаккурига турлича таъсир ўтказмоқда.

Ҳар нарсада меъёр керак! Асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, мобил телефоннинг кенг имкониятларидан меъёрида фойдаланиш, ҳар ҳолда зиён қилмайди. Бу фикр, айниқса, ёш-авлод вакилларига тааллуқлидир. Чунки улар ўртасида мобил телефондан ноўрин фойдаланиш ҳоллари ноҳуш оқибатларни келтириб чиқараётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу борада мамлакатимизда таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам ўқув жараёнида, шу жумладан, таълим олувчилар томонидан телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ салбий жиҳатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарорда белгиланганидек, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулоти ва тадбирлар бошланишидан олдин таълим олувчилар телефонларини ўчириб, сумкаларига солиб қўйишлари шарт.

Шунингдек, таълим олувчиларга телефонни бўйнига осиб юриш, чўнтақларида сақлаш қатъиян тақиқланади. Атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намоиш қилиш, ўқув машғулоти вақтида телефон орқали сўзлашиш ҳамда турли хабарларни жўнатиш, телефонни стол устига қўйиш, мусиқа тинглаш, сурат ва видео-тасвирлар кўриш, диктофон, калькулятор, календар, блокнот, ён дафтarcha сифатида фойдаланиш ҳам тақиқлаб қўйилган. Мазкур қоидалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ходимлари учун бирдек тааллуқли бўлиб, унга кўра, ҳар бир таълим олувчи, ходим, меҳмон ва бошқа шахслар ўз телефонини «овозсиз» режимга ўтказиши шарт.

– Бу каби тартиб-қоидалар-

нинг жорий этилишидан мақсад таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ўқув машғулоти жараёнида ўз диққат-эътиборларини фақат билим олишга қаратидир, – дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори И.Йўлдошев. – Юқорида зикр этилган талаблар ижросини таъминлаш борасида бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Аммо барча жойларда ҳам бу талабларга тўла амал қилинапти, деб бўлмайди. Мазкур алоқа воситасидан тўғри фойдалана билиш мақсадга мувофиқ. Ёшларимиз ўртасида мобил телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, биз катталар уларга ўрнак бўлишимиз, оила тарбиясида бу масалага жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Баъзи оилаларда бошланғич синф ўқувчиларига ҳам мобил телефон ҳамда кулоқлик олиб бериш ҳоллари учрамоқда. Эътибор беринг, тадқиқотчиларнинг фикрича, мобил телефондан доимий фойдаланиш инсон мияси, қолаверса, асаб тизими билан боғлиқ кўплаб ҳасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан. Энди масаланинг бошқа тарафига эътибор берайлик: бола ҳар куни

кулоқлик орқали мусиқа эшитиб юрибди, дейлик. Бунда, албатта, кулоқнинг эшитиш даражасидаги меъёр кескин бузилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам меъёр бузилса, зарар кўпаяди. Кулоқнинг эшитиш тизими табиатан бир меъёрга асосланади. Унинг супраси ташқи товушни тутишга ва кулоқ эшитиш қисмига уни маълум даражада филтрлаб етказишга мослашган. Энди тасаввур қилинг, кулоқликнинг товуш берувчи қисми кулоқ супрасидан ажралган ҳолда бевосита ички қисмга кучли товушни ҳеч қандай тўсиқсиз узатиб беради. Бу жараён сурункали давом этаверса, охири оқибат кулоқнинг товуш қабул қилиш пардалари ташқи товушни қабул қилишда қийналади, кулоқ «оғирлашиб» қолади. Бу яхши натижаларга олиб келмайди.

Телефондан узоқ вақт фойдаланган ва бу борада ишлаб чиқилган санитария меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя этмаганларда кейинчалик асаб, кулоқ касалликлари, хафақонрак келиб чиқиши мутахассислар томонидан исботланган. Шундай экан, ҳар қандай илгор технологиялардан фойдаланишда унинг яхши ва ёмон томонларини ёдда тутишимиз, келажак авлод камолотига салбий таъсир этувчи ҳар қандай омилларнинг олдини олишга эътибор қаратишимиз лозим.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўқувчи-талабаларга телефоннинг зарурати йўқ, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Уларни миллий ўзбекона сайт ва тармоқларга қизиқтириб, ёшлар ўртасида интернет орқали маънавиятни оширишга хизмат қиладиган қизиқарли форумлар, ўйинлар ташкил этиб, кенг тарғиб қила олсак, албатта, бу борада ижобий самарага эришамиз.

Бугун айрим ёшларимиз мобил алоқа воситаси орқали турли электрон дарсликлар, бадий ва илмий адабиётлардан фойдаланиш, шунингдек, маълум порталлар, тармоқлар орқали бир қатор форумлар, маҳаллий ва халқаро конференция ҳамда танловлар ҳақида кенг маълумотлар олиш, уларда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу, албатта, компьютерга қараганда ихчам, қулай ва арзон алоқа воситасидан тўғри йўлда фойдаланиш билан боғлиқдир.

Бинобарин, мустақил Ватанимиз келажаги бўлмиш ёш авлоднинг тарбиялашда замонавий технология имкониятларидан кенг ва ижобий мақсадларда фойдаланиш, уларни чеклаш эмас, назорат орқали тўғри йўналтири билиш оилада ота-она, ўқув даргоҳларида устозларнинг, маҳаллақўйда ёши улугларимизнинг асосий вазифасидир.

**Жалол ИСАЕВ**

## МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ БОЛАЛАР ИЖОДИДА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика болалар кутубхонаси ҳамда «Тонг юлдузи» болалар газетаси ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги ҳамда 2013 йил – Обод турмуш йилига бағишлаб «Мустақиллик мадҳи болалар ижодида» мавзусида Республика ижодий ишлар кўрик-танлови ўтказилди.**

Унда республикамиз умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари ўзларининг Она Ватан, Мустақиллик, эл-юрт, таълим муассасалари ҳақидаги иншолари, шеърлари ҳамда тасвирий санъат йўналишидаги ижодий ишлари билан иштирок этди.

Танловга мингдан зиёд ўқувчилардан хатлар келди. Танловга юборилган энг яхши ижод намуналари «Тонг юлдузи» болалар газетасида мунтазам чоп этиб борилди.

Яқинда танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

– Дилимдаги орзулар, кечинмалар шеър бўлиб

қоғозга тушади, – дейди Термиз шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Комила Шойимова. – «Қалдирғоч парвози», «Юртнинг эрка қизиман», «Кўнгил чаманида» каби шеърини тўпламларим чоп этилган. Кўрик-танловга ўзимнинг Ватан, она ва мактаб ҳақида ёзган шеърларимни юборгандим. Мени танловда ғолиб деб топишди. Бундан ниҳоятда хурсандман. Бу рағбат мени руҳлантириб, кўнгилimgа олам-олам орзуларни солмоқда.

Юртимизда истеъдодли ёшлар кўп. Ҳар бирининг Ватан ҳақида айтар сўзи бор. Уни кимдир шеърда, кимдир насрда, яна кимдир эса сурат-

лар орқали ифода этади.

– Мен Она Ватанимни ранглар орқали тасвирлашни жуда ёқтираман, – дейди Жиззах туманидаги 10-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Асадбек Аҳмедов. – Кўрик-танловнинг тасъвирий-санъат йўналишида иккинчи ўринни олдим. Бундан жуда хурсандман. Бу танлов бизни янги мақсадлар сари руҳлантиради.

Сирасини айтганда, мазкур танлов ҳам мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишида, ёш авлоднинг қалбидаги Она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Болажонлар томонидан тайёрланган Ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбирга янада файз киритди.

**Гулноза ТУРГУНБОЕВА,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.

# ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ: ҚУЛАЙЛИК, ИМКОНИЯТ ВА МУАММОЛАР

Абдунаби ота вилоят марказига келгач, машинадан тушди-ю, йўлнинг чеккасидан кетаётган тенг-кури Абдусоққа дуч келди. Иккала дўст бир-бирини бағрига босиб кўришдилар. Замонга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, мамнунликларини баҳам кўрдилар.

— Кўп қаватли иморатлар, равон йўллар, замонавий турар-жойлару бошқа мажмуаларни кўйинг, — деди Абдунаби ота, — йўлни тўлдириб кетаётган автомобилларни айтмайсизми, истаган томонингизга бир зумда етиб борасиз.

— Боз устига, уларнинг кўпчилиги ўзимизнинг юртимизда ишлаб чиқарилаётганини айтинг, — деди Абдусоқ ота.

Ана шу суҳбат сабаб йўналишсиз таксилар фаолиятининг қулай ва самарали эканини эътироф этган ҳолда соҳада ҳали-ҳануз учраб турган баъзи камчиликлар, ноқулайликлар ва кўзбўямачиликлар ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари бу борадаги ишларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда Қашқадарё вилоятида 134 та транспорт уюшмаси фаолият кўрсатяпти. Жорий йилнинг 7 ойи давомида вилоятдаги мазкур транспорт уюшмалари томонидан давлат хазинасига 5580,6 миллион сўм нақд пул тушди.

Аммо эришилаётган натижаларни бугунги имконият ва талаблар даражасида деб бўлмади. Чунки айни кунда транспорт уюшмалари ҳисобидаги 2938 та автотранспорт воситасидан атиги 894 таси

фаолият кўрсатяпти. Натижада белгиланган режалар тўлиқ бажарилмаяпти.

Айниқса, Касби туманидаги «Нурафшон йўл» МЧЖ, Косон туманидаги «Шукуров Иброҳим Зарипович», Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ автомобилчи» хусусий корхоналари, Фузор туманидаги «Фузор медиатор транс» МЧЖ, Қарши шаҳридаги «Ҳамкор автотранс» корхонаси ва «Гранд аудио-видео» МЧЖ каби бир қатор уюшмаларда бу борадаги кўрсаткичлар ниҳоятда паст.

Вилоят бўйича бир автотранспорт воситаси учун кунлик нақд пул тушуми 36,1 минг сўмни ташкил этаётгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Фузор, Қамаш, Касби, Муборак, Нишон, Чироқчи ва Шаҳрисабз туманларида 26-27 минг сўмдан ошмаяпти.

Вилоят давлат солиқ ва ички ишлар бошқармалари ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида юқорида айтилган қарорлар ижросини таъминлаш, йўловчи ташувчи транспорт воситалари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш юзасидан йиллик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага асосан олиб борилган қўшма рейд тадбирлари натижасида жорий



йилнинг 7 ойида ўтказилган 371 та текширувда 400 та ҳолатдаги ҳуқуқбузарлик аниқланиб, уларга нисбатан 242,1 миллион сўм маъмурий жарима чоралари қўлланилди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги автоюшмаларда ўтказилган қисқа муддатли текширувларда 166 миллион сўм нақд пул банк муассасаларига топширилмаганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти вилоят бошқармасининг «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида»ги Қарори асосида «Транс инвест сервис» МЧЖнинг 2008-2012 йиллардаги молиявий ҳужжалик фаолияти ўрганилганда, 94,4 миллион сўмлик солиқ ва бошқа тўловлар кечиктирилганлиги аниқланиб, бунинг учун 29,7 миллион сўм устама жарима ҳисобланди. МЧЖ томонидан 94 та юк автомобили ижарага олиниб, ҳайдовчиларига нисбатан буйруқ асосида ҳар ойда

энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмаган. Бундай нуқсонлар департамент томонидан ўтказилаётган текширувларда Фузор туманидаги «Golden-guzar-avto» МЧЖ фаолиятида ҳам кузатилди.

Шунингдек, автомобиль транспортида тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт уюшмалари фаолияти камерал назоратдан ўтказилганида 2012 йил ва 2013 йилнинг 7 ойи давомида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарздорликлари ўсиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликлар пировард натижада давлатимиз бюджетига, шунингдек, нақд пул тушумига маълум миқдорда салбий таъсир этаётганлиги боис, бу борада ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўриш лозим бўлади.

Кўпгина транспорт уюшмалари раҳбариятининг солиқ қонунчилигини мукамал билмаслиги, солиқ ва тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармасликлари корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарздорликлари ўсиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликлар пировард натижада давлатимиз бюджетига, шунингдек, нақд пул тушумига маълум миқдорда салбий таъсир этаётганлиги боис, бу борада ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўриш лозим бўлади.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Қашқадарё вилояти  
Давлат солиқ бошқармаси  
бўлим бошлиғи.

## ▼ БОЖХОНА НАЗОРАТИ

# «УЧОЛМАГАН» ВАЛЮТАЛАР

**Хорижга қандай мақсадда бўлишидан қатъи назар, қуруқ ҳамён билан чиқилмаслиги аниқ. Лекин бу мамлакатимиздаги нақд хорижий валюталарни исталганча ташиб кетиш мумкин дегани эмас!**

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарт билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади. Юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фуқаролар эса кириш чоғида олиб кирган нақд валюталари миқдорига тенг валютани олиб чиқиб кетишлари мумкин.

Мазкур тартиблар ҳақида батафсил эслатмалар барча божхона постларининг баённомаларни тўлдириш устунларига ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзиб қўйилганига қарамай, сафарга отланган

юртдошларимиз ва хорижликлар томонидан нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Бу эса сири фош бўлгач, амалдаги тартиблардан бе-хабарлигини пеш қиладиган қонунбузарларнинг аслида божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниши иш бермаганини англатади.

Яқинда «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Жумладан, Россия Федерацияси фуқароси А.Муллаярова Санкт-Петербургда парвози олдидан салкам 60 минг Россия рублини божхона баённомасида қайд этишни «унутиб» қўйибди. «Паришонхотирлик» оқибатида унинг яна бир

юртдоши — Новосибирска отланган Н.Нижегородова ҳам 65 минг Россия рубли билан «хайрлашиши»га тўғри келди.

Сурхондарёлик С.Володовнинг божхона баённомасида қайд этмаган, демак-ки, яширинча олиб ўтишга уринган нақд хорижий валютаси 80 минг Россия рублини ташкил қилди.

«Тошкент-Пекин» рейси олдидан божхона кўригидан ўтказилган хитойлик Ц.Чэннинг эса қиймати 4,6 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарни яширинча олиб ўтиш режаси иш бермади.

Москвалик Р.Дёмин божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилинмаган 3,5 минг АҚШ долларининг божхона кўриги пайтида қўл сумкасида «пайдо» бўлиб қолганидан гўёки ҳайратга тушди.

Австриялик Ф.Штайнер ҳам ўзи ташриф буюрган давлатнинг божхона қоидаларини менсимаслиги оқибатида Россия Федерацияси пойтахтига 6,6 минг АҚШ долларисиз кетишга мажбур бўлди.

«Ҳайри ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради». Афсуски, бу нақл

«Тошкент-Истамбул» рейси бўйича парвозга отланган учтепалик Г.Шодиёвага наф бермади. У 13 минг 800 АҚШ долларини яширинча олиб ўтишга таваккал қилиб, қаттиқ адашди.

Шу тарзда панд еган қонунбузарлар сафида туркиялик С.Тосун ҳам бор. Юқорида санаб ўтилган «қахрамон»лар орасида у амалдаги тартибларга зид равишда олиб чиқишга уринган 14 минг АҚШ доллари билан «етакчи»ликни ўз қўлига олди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида «Тошкент-Аэро» ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 225 та қонунбузарлик ҳолатларида 981 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқилишига чек қўйилди.

**«Тошкент-Аэро» ИБК**  
Ахборот хизмати


 Фарғона вилояти


 МЕЛИОРАЦИЯ

# МЕХРОДАН ЯШНАЎЭТИГАН ЗАМИН

**Мустиқлик йилларида ердан фойдаланиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи омил – ерга муносабат ўзгарди. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёзиб, ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланган фермерларнинг ихтиёрига ўтгач, унга меҳр, парвариш ҳам тамомила бошқача тус олди. Унумдорлик, самарадорлик яққол кўзга ташланди.**

Ерга меҳр – келажакка меҳр, истиқболга замин, дейиш мумкин. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори том маънода ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини оширишнинг ишончли механизми яратилди. Минглаб гектар ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, энг муҳими, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги ошди. Буни Фарғона вилоятида амалга оширилган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда 2008-2013 йилларга белгиланган чора-тадбирлар Давлат дастури асосида 7374,4 километр очик коллектор тармоқлари барча иншоотлари билан тозаланиб, реконструкция қилинди, 16 дона мелiorатив насос станцияси (Бешариқ, Бағдод, Данғара, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Ўзбекистон, Учкўприк туманларида) қурилди, 4 дона мелiorатив насос станцияси (Фурқат, Данғара, Бешариқ туманларида) реконструкция қилинди, 64 дона тик зах қочириш кудуғи ишга туширилди, 215 донаси реконструкция қилинди, 3293 донаси эса таъмирлаш-тиклаш ишлари

амалга оширилди.

Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши натижасида вилоятнинг 124 та сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги 1257 та фермер хўжалигининг 174,8 минг гектар майдонларида зовурлар тизими яхшиланди. Биргина мисол, 2012 йилда 2007 йилга нисбатан сизот сувларининг сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 14003 гектарга, ўртача шўрланган майдонлар 6278 гектарга, кучли шўрланган майдонлар 3607 гектарга, мелiorатив ҳолати қониқарсиз майдонлар 13571 гектарга камайишига, шунингдек, пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнергача, ғалла ҳосилдорлиги 3-5 центнергача ошишига эришилди.

Бундан ташқари, 2008-2013 йиллар мобайнида 16 дона мелiorатив насос станцияси ва 64 дона тик кудуқ қурилиши натижасида экинларни вегетация мавсумида сув билан таъминлашнинг ишончли тизими яратилди.

Амалга оширилаётган ишларда замонавий техникалардан фойдаланилаётгани юқори самарадорлиқни таъминламоқда. Бу жараёнда 2008-2012 йиллар давомида «Ўзмелиомашлизинг» ДЛКдан 55 дона турли русумдаги экскаватор, 17 дона бульдозер, 37 дона бошқа турдаги ёрдамчи техникалар сотиб олингани муҳим аҳамият касб этди.

Президентимизнинг 2010 йил 19 январдаги «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 1-босқич» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 537,2 километр узунликда-



ги коллектор тармоқларини тозалаш, 108 дона труба ўтиш жойларини қуриш, 660 дона кучайтиргич скважиналар қуриш, 60 дона тик зах қочириш кудуқларини таъмирлаш, 30 километр узунликда янги ёпиқ-ётик дренажлар қуриш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг 2009 йил 10 августдаги «Осиё Тараққиёт банки иштирокида «Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Фарғона вилоятидаги 3 та насос станциясини тўлиқ реконструкция қилиш белгиланиб, лойиҳанинг 1-босқичида (2011-2013 йиллар) Бешариқ туманидаги «Бешариқ» насос станцияси ва унинг ирригация тизимлари тўлиқ реконструкция қилинди. Мазкур лойиҳанинг 2-босқичида (2012-2014 йиллар) эса Данғара туманидаги «Данғара» ва Фурқат туманидаги «Фурқат-1» насос станциялари тўла таъмирланиши кўзда тутилган бўлиб, бу бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида сувнинг алоҳида ўрни бор. Ободлик, тозалик, бунёдкорлик ва пироварди иқтисодиёт

барқарорлигида обиҳаёт муҳим аҳамият касб этади. Унга шундай таъриф берамиз – бебаҳо неъмат. Шукрона айтишимиз керакки, юртимизда обиҳаёт танқислиги унчалик сезилмайди. Аммо унга туганмас манба деб қараб, беҳудага исроф этмаслик, қолаверса, ифлос қилмаслик даркор. Табиийки, сув захираларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланилади. Шу боис, сувдан оқилона фойдаланиш зарурати юзага келаётир. Вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ана шу мақсаддан келиб чиққанлиги билан аҳамиятлидир.

– Бугунги давр биздан сув ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни амалиётга кенг татбиқ этишни талаб этмоқда, – дейди «Сирдарё-Сўх» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Азамжон Раҳматиллаев. – Бунинг учун эса барча имкониятлар бор. Хусусан, сувни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этишда қатор имтиёзлар, қулайликлар яратилган. Жорий йилда вилоят бўйича 350 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси асосида суғориш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 30 гектар май-

донда ғўзани агатига плёнка тўшаб, 20 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 170 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш давомида унинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида оддий суғориш усули билан технология жорий қилинган майдонда парваришланаётган ғўза экинларида финологик кузатув олиб борилмоқда. Мавсум якуни билан ушбу технологиянинг ҳар томонлама афзалликлари ҳисоб-китоб қилиниб, барча истеъмолчиларга етказиш назарда тутилган.

– Жорий йилга мўлжалланган дастур бўйича айтилганча 4 километр коллектор тармоқлари, 2 километр ёпиқ-ётик зовур тармоқлари, 2 дона мелiorатив насос станцияси, 7 дона тик зах қочириш кудуғи, 16 дона сув ўлчаш иншооти, 330 дона назорат кудуғида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди, – дейди «Сирдарё-Сўх» ИТХБ қошидаги Гидрогеологик мелiorатив экспедицияси бошлиғи Расулжон Жўраев. – Шунингдек, 1036,3 километр узунликдаги коллектор тармоқлари, 169 дона тик зах қочириш кудуғи, 1 дона сув ўлчаш иншооти, 27 дона назорат кудуғида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди.

Бу ишларга 56 дона экскаватор, 13 дона бульдозер жалб этилган. Уларга ёнилғимойлаш маҳсулотларини мунтазам равишда етказиб бериш йўлга қўйилган бўлиб, машинист-экскаваторчиларга иш жараёнида етарлича шароитлар яратилган.

Сирасини айтганда, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ҳар бир ишдан кўзланган мақсад ҳосилдорлиқни ошириш, эл фаровонлигини янада юксалтиришдир.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ – 43

**Лот 43-1.** «Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Пешку» ҚФЙ «Хўжа Пешку» қишлоғидаги сув иншоотлари ва сув тармоқларини реконструкция қилиш» (1 босқич қурилиши).

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 301 000 000 сўм (ҚҚС билан), 250 800 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 43-2.** «Шофиркон туманидаги «Искогаре» ҚФЙ Жўйнов қишлоғидаги сув иншоотларини реконструкция қилиш».

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 388 000 000 сўм (ҚҚС билан), 323 300 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 43-3.** «Бухоро вилояти Когон тумани «Сиёз-Поён» ҚФЙдаги 1 км сув тармоғи ва сув иншоотлари қурилиши».

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 633 000 000 сўм (ҚҚС билан), 527 500 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 43-4.** «Бухоро вилояти Фижувон туманидаги «Сармижон» ҚФЙ «Чағдари» ва «Жиндагон» аҳоли пунктларидаги мавжуд сув тармоқларини реконструкция қилиш».

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 175 000 000 сўм (ҚҚС билан), 145 800 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Қурилиш ишлари** Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган объектлар**

танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**«Бухоро вилояти Пешку тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси учун 2 қаватли маъмурий бино қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 637 746 000 сўм (ҚҚС билан), 531 455 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2014 йил 30 июнь.

**Қурилиш ишлари** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги қузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатимоси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар ту-

зиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйдаги нарх преференциялари этиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотида берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (реестр № 002725-07, 19.02.2010 й.) Ҳамза т. С.Машҳадий кўч. 186-уй манзили бўйича рўйхатга олинган «SHAXRIZODA SHINNING SERVIS» МЧЖ (СТИР 300680659) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 18.09.2013 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 640-04-06 тел. орқали қабул қилинади.

ООО «QUALIFIED GROUP» (ИНН 301891885) регистрированное ИПСР предпринимательства Шайхантахурского р-на г. Ташкента по адресу: ул. Навои д. 7, ликвидруется (на основании протокола собрания учредителей от 18.09.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования настоящего объявления.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҲИнинг 20.10.2009 й.даги 003692-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SOFIYA-BUSINESS» МЧЖнинг Устав фонди 66 000 000 сўмдан 49 483 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утеранный студенческий билет № 629, выданный юридическим колледжем № 2 г. Ташкента в 2011 году на имя Очилов Сухроб Маннон ўғли, считать недействительным.

## «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ FARFONA VILOYATI FILIALI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 12.09.2013 йилдаги №330, 331, 332, 333, 334-сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўкони қуриш учун Данғара тумани Найманча ҚФЙ Тўртайғир кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 730 200 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриш учун Данғара тумани Найманча ҚФЙ Бойбўта қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 250 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 912 750 сўм.

**3.** Савдо дўкони қуриш учун Данғара тумани Оқхар ҚФЙ Абдусамад қиш-

лоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 365 100 сўм.

**4.** Алюмин ва тунақадан буюмлар ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Олахамак қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 302 000 сўм.

**5.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриш учун Данғара тумани Санам ҚФЙ Оқтепа қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 1 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 651 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни

қабул қилиш билдиришнома матбуот-да эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 21 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 22 октябрь куни соат 13:00 да очилади, 2013 йил 22 октябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000004920609011 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманомана билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

